

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**СУВ РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

Сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли институционал ислохотлар доирасида сув хўжалиги соҳасида давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш, сув ресурсларини бошқариш тамойиллари ва тизимини такомиллаштириш борасида чора-тадбирлар амалга оширилди.

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, уларнинг ҳисобини юритиш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, сув хўжалиги ташкилотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича ишлар изчил амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини диверсификациялаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар мазкур соҳада бошқарувнинг замонавий усуллари жорий этиш асосида сув хўжалиги инфратузилмасини янада яхшилашни талаб этмоқда.

Сув ресурсларини бошқариш ва сув хўжалиги объектларидан фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш, ирригация ва мелиорация лойиҳаларини амалга ошириш самарадорлигини таъминлаш, сув хўжалигини бошқариш соҳасида бозор тамойиллари ва механизмларини жорий этиш, шунингдек, ушбу соҳада илм-фанни ривожлантириш мақсадида:

2. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлигининг:

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги «Ўзсувқурилиштаъминот» республика бирлашмаси (кейинги ўринларда — «Ўзсувқурилиштаъминот» республика бирлашмаси) негизда «Ўзсувқурилиш» акциядорлик жамиятини (кейинги ўринларда — «Ўзсувқурилиш» АЖ) ташкил этиш, шунингдек, **1-иловага** мувофиқ «Ўзсувқурилиштаъминот» республика бирлашмаси таркибига кирувчи давлат унитар корхоналарини масъулияти чекланган жамиятларга айлантириш;

Сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги бюджет ташкилотларининг штатлар сонини 2019 йил 1 ноябрдан 10 фоизга, 2020 йил 1 январдан қўшимча равишда 10 фоизга, шу жумладан бошқарув ходимлари сонини мазкур қарорга мувофиқ 83 бирликка босқичма-босқич мақбуллаштириш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

3. Белгилансинки:

«Ўзсувқурилиш» АЖ «Ўзсувқурилиштаъминот» республика бирлашмасининг шартномалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланади;

ташкил этилаётган масъулияти чекланган жамиятлар ўзгартирилаётган тегишли давлат унитар корхоналарининг шартномалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланади;

ташкил этилаётган масъулияти чекланган жамиятлар устав капитали **1-иловада** кўрсатилган ўзгартирилаётган давлат унитар корхоналарининг мол-мулкларини қолдиқ қийматида ўтказиш ҳисобига шакллантирилади;

«Ўзсувқурилиш» АЖ устав капитали қайта ташкил этилаётган «Ўзсувқурилиштаъминот» республика бирлашмасининг мол-мулкларини қолдиқ қийматида, шунингдек, ташкил этилаётган масъулияти чекланган жамиятлардаги давлат улушини ўтказиш ҳисобига шакллантирилади;

«Ўзсувқурилиш» АЖ устав капиталидаги акциялар давлат пакети бўйича акциядор функцияларини Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги амалга оширади;

қайта ташкил этилаётган «Ўзсувқурилиштаъминот» республика бирлашмасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган бошқарув ходимлари штатлар сони Сув хўжалиги вазирлиги тизимида сақланиб қолинади.

5. Қуйидагилар:

б) Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги томонидан манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ишлаб чиқилган Сув ресурсларини бошқариш тизимининг самарадорлигини ошириш бўйича «Йўл харитаси» 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Масъул вазирлик ва идоралар раҳбарларига ушбу кичик бандда назарда тутилган «Йўл харитаси»га киритилган тадбирларни ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли амалга ошириш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, шунингдек, ишлаб чиқариш ва фойдаланиш ташкилотларининг:

4-иловага мувофиқ ишлаб чиқариш ва фойдаланиш ташкилотлари негизида «Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти» миллий тадқиқот университети (кейинги ўринларда — Университет) соҳага оид кафедраларининг ихтисослаштирилган синфларини жойлаштириш;

илмий ва профессор-ўқитувчилар таркибидан, лойиҳа институтлари вакилларида, шу жумладан чет эл мутахассисларидан иборат бўлган, шунингдек, сув хўжалигида лойиҳалаштиришнинг замонавий усуллари ва стандартларига амалиётда ўқитиш учун иқтидорли талабаларни жалб қилган ҳолда Университет ҳузурида ихтисослаштирилган лойиҳа гуруҳини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

Қуйидагилар маълумот учун қабул қилинсин:

а) Университет соҳага оид кафедраларининг тегишли ишлаб чиқариш ва фойдаланиш ташкилотлари негизида жойлаштирилаётган ихтисослаштирилган синфларида талабаларнинг амалий ва лаборатория машғулотларини, шунингдек, ўқув-ишлаб чиқариш амалиётини ўташи «ишлаб чиқаришда бир кунлик машғулот» тамойили бўйича амалга оширилади;

б) Университет ҳузуридаги ихтисослаштирилган лойиҳа гуруҳининг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

сув хўжалиги ва аҳоли пунктлари сув таъминоти объектлари қурилиши, реконструкция ва модернизация қилинишини лойиҳалаштириш;

сув хўжалиги ва сув таъминоти соҳасидаги лойиҳа-қидирув ишларини ва лойиҳалар амалга оширилишини илмий-техник жиҳатдан кузатиб бориш;

сув хўжалиги объектларидан фойдаланишнинг ишончлилиги ва хавфсизлигини, шунингдек, сув хўжалиги объектларининг атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш ва уларни ҳисоблаш асосларини ишлаб чиқиш.

8. 2020 йил 1 январдан:

халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари маблағларини жалб қилган ҳолда сув хўжалиги объектларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича янгидан амалга ошириладиган лойиҳаларга кадрларни тайёрлаш ва ўқитиш бўйича махсус компонент киритиш;

илмий ва илмий-техник фаолиятни қўллаб-қувватлаш мақсадида сув хўжалиги объектларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича лойиҳа-қидирув ишлари қийматининг ҳисоб-китобига лойиҳа-қидирув ишлари умумий қийматининг 10 фоизигача миқдорда қўшимча маблағлар киритиш амалиётга мажбурий жорий этилсин.

Белгилансинки:

ушбу банднинг **учинчи хатбошисида** назарда тутилган маблағларнинг 50 фоизи лойиҳа-қидирув ишларини илмий-техник жиҳатдан кузатишни молиялаштиришга йўналтирилади, уларга фақат маҳаллий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари, шунингдек, алоҳида олимлар белгиланган тартибда жалб қилинади;

ушбу банднинг **учинчи хатбошида** назарда тутилган маблағларнинг қолган 50 фоизи Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалигини ривожлантириш жамғармасига ўтказилади. Бунда мазкур маблағлар фақат сув хўжалиги соҳасидаги долзарб муаммолар бўйича илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларини молиялаштириш мақсадида республика таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларига грантлар ажратиш учун сарфланади.

9. 2019 йил 1 ноябрдан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ сув хўжалиги ташкилотлари раҳбарлари ҳар чоракда тегишли туман халқ депутатлари Кенгашига сув ресурсларини бошқариш, сув хўжалиги объектларининг техник ҳолатини яхшилаш, шунингдек, ушбу туманда сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш ҳолати тўғрисида ҳисобот киритади.

Вилоятлар ва туманлар халқ депутатлари Кенгашларига халқ депутатлари кенгаши ва унинг доимий комиссиялари иш режаларини ишлаб чиқишда ижро этувчи ҳокимият органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг сув хўжалиги соҳасидаги ишлар ҳолати тўғрисидаги ахборотини бир йилда камида икки марта эшитишни назарда тутиш тавсия этилсин.

#### 10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

бир ой муддатда сув истеъмолчилари уюшмалари фаолиятини ривожлантиришни, шу жумладан бошқарув тизимини такомиллаштириш, сув истеъмолчилари уюшмаларининг молиявий барқарорлигини ва улар томонидан кўрсатилаётган хизматлар учун йиғимлар тўлиқ тушишини таъминлаш, шунингдек, сув истеъмолчилари уюшмалари жойлашувини ва улар томонидан хизмат кўрсатилаётган ҳудудлар чегараларини қайта кўриб чиқишни назарда тутувчи Ҳукумат қарори қабул қилишини;

икки ой муддатда **5-иловада** кўрсатилган инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳаларни амалга ошириш гуруҳлари, шунингдек, ҳуқуқлар, мажбуриятлар ва шартномалар Лойиҳаларни амалга ошириш агентлигига ўтказилишини;

Ўзбекистон Республикаси номидан халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари манзилига Лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги сув хўжалиги соҳасидаги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича ижрочи агентлик этиб белгиланганлиги тўғрисидаги хабарномалар юборилишини таъминласин.

#### 11. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги:

а) бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалиги соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Ҳукумат **қарори** лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин, унда:

Лойиҳаларни амалга ошириш агентлигини сақлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши;

Лойиҳаларни амалга ошириш агентлигига ўтказилаётган лойиҳаларни амалга ошириш гуруҳлари белгиланган тартибда фаолияти **5-иловада** кўрсатилган инвестиция лойиҳалари доирасида халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган юридик шахсларга ўзгартирилиши назарда тутилсин;

б) Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда:

**6-иловага** мувофиқ сув хўжалиги объектларини куриш ва модернизация қилиш бўйича устувор инвестиция лойиҳаларининг техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш чораларини кўрсин;

кўрсатилган лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асослари ишлаб чиқилишига қараб, уларни амалга ошириш учун халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари маблағларини жалб қилиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиб борсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда мазкур қарорга мувофиқ Сув хўжалиги вазирлиги тизимининг штатлар сони мақбуллаштирилиши натижасида ишдан бўшатиладиган ходимларни иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича чоралар кўрсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.А. Ғуломов зиммасига юклансин.

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,  
2019 йил 9 октябрь,  
ПҚ-4486-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 октябрдаги ПҚ-4486-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Масъулияти чекланган жамиятларга ўзгартириладиган Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги «Ўзсувқурилиштаъминот» республика бирлашмаси таркибига кирувчи давлат унитар корхоналари**

#### РЎЙХАТИ

Т/р	Ташкилот номи	Жойлашган жойи
1.	«Андижондавсувмахсуспудрат» ДУК	Андижон шаҳри
2.	«Жалакудукдавсувмахсуспудрат» ДУК	Жалакудук тумани
3.	«Улуғнордавсувмахсуспудрат» ДУК	Улуғнор тумани
4.	«Мингбулокдавсувмахсуспудрат» ДУК	Мингбулок тумани
5.	«Намангандавсувмахсуспудрат» ДУК	Наманган шаҳри
6.	«Нориндавсувмахсуспудрат» ДУК	Норин тумани
7.	«Попдавсувмахсуспудрат» ДУК	Поп тумани
8.	«Боғдоддавсувмахсуспудрат» ДУК	Боғдод тумани
9.	«Данғарадавсувмахсуспудрат» ДУК	Данғара тумани
10.	«Ёзёвонмахсусуқурилиш» ДУК	Ёзёвон шаҳри
11.	«Фарғонадавсувмахсуспудрат» ДУК	Фарғона шаҳри
12.	«Яйпандавсувмахсуспудрат» ДУК	Бешариқ тумани
13.	«Бўкадавсувмахсуспудрат» ДУК	Бўка тумани
14.	«Ўзмахсусуқурилиш» ДУК	Бектемир тумани
15.	«Юқоричирчикдавсувмахсуспудрат» ДУК	Юқоричирчик тумани
16.	«Янгийўлдавсувмахсуспудрат» ДУК	Янгийўл тумани
17.	«Оқолтиндавсувмахсуспудрат» ДУК	Оқолтин тумани
18.	«Боёвутдавсувмахсуспудрат» ДУК	Боёвут тумани
19.	«Гулистондавсувмахсуспудрат» ДУК	Гулистон шаҳри
20.	«Жиззахдавсувмахсуспудрат» ДУК	Жиззах шаҳри
21.	«Мирзачўлдавсувмахсуспудрат» ДУК	Мирзачўл тумани
22.	«Пахтакордавсувмахсуспудрат» ДУК	Пахтакор тумани
23.	«Учтепадавсувмахсуспудрат» ДУК	Шароф Рашидов тумани
24.	«Оқдарёдавсувмахсуспудрат» ДУК	Оқдарё тумани
25.	«Булунғурдавсувмахсуспудрат» ДУК	Булунғур тумани
26.	«Зарафшонмахсусуқурилиш» ДУК	Самарқанд шаҳри

27.	«Нарпайдавсувмахсуспудрат» ДУК	Нарпай тумани
28.	«Самарқанддавсувмахсуспудрат» ДУК	Самарқанд шаҳри
29.	«Кармандавсувмахсуспудрат» ДУК	Кармана тумани
30.	«Навойдавсувмахсуспудрат» ДУК	Навой шаҳри
31.	«Қизирикдавсувмахсуспудрат» ДУК	Қизирик тумани
32.	«Термездавсувмахсуспудрат» ДУК	Термиз шаҳри
33.	«Ўзундавсувмахсуспудрат» ДУК	Ўзун тумани
34.	«Шерободдавсувмахсуспудрат» ДУК	Шеробод тумани
35.	«Косондавсувмахсуспудрат» ДУК	Косон тумани
36.	«Касбидавсувмахсуспудрат» ДУК	Касби тумани
37.	«Нишондавсувмахсуспудрат» ДУК	Нишон тумани
38.	«Яккабоғдавсувмахсуспудрат» ДУК	Яккабоғ тумани
39.	«Бухородавсувмахсуспудрат» ДУК	Бухоро шаҳри
40.	«Қорақўлдавсувмахсуспудрат» ДУК	Қорақўл тумани
41.	«Ромитандавсувмахсуспудрат» ДУК	Ромитан тумани
42.	«Шофиркондавсувмахсуспудрат» ДУК	Шофиркон тумани
43.	«Амударёдавсувмахсуспудрат» ДУК	Амударё тумани
44.	«Кегейлидавсувмахсуспудрат» ДУК	Кегейли тумани
45.	«Хўжайлидавсувмахсуспудрат» ДУК	Хўжайли тумани
46.	«Элликқалъадавсувмахсуспудрат» ДУК	Элликқалъа тумани
47.	«Боғотдавсувмахсуспудрат» ДУК	Боғот тумани
48.	«Қўшқўпирдавсувмахсуспудрат» ДУК	Қўшқўпир тумани
49.	«Урганчдавсувмахсуспудрат» ДУК	Урганч шаҳри
50.	«Хазораспдавсувмахсуспудрат» ДУК	Хазорасп тумани
51.	«Янгибозордавсувмахсуспудрат» ДУК	Янгибозор тумани
52.	«Обод маскан» ДУК	Тошкент шаҳри
53.	«Махсус йирик насос таъмир» ДУК	Нишон тумани
54.	«Махсус электр созлаш» ДУК	Нишон тумани
55.	«Сурхоннасостаъмир» ДУК	Термиз тумани
56.	«Ширмонбулоқ тош кони» ДУК	Булоқбоши тумани

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 октябрдаги ПҚ-4486-сон қарорига  
3-ИЛОВА

Сув ресурсларини бошқариш тизимининг самарадорлигини ошириш бўйича

«ЙЎЛ ХАРИТАСИ»

Т/р	Тадбирларнинг номланиши	Ижро муддати	Масъуллар	
			ижро учун	назорат учун
<b>I. Норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш</b>				
1.	Сув ресурсларини бошқариш соҳасида халқаро экспертлар ва мутахассисларни жалб қилган ҳолда <b>2020 — 2030 йилларда сув хўжалигини ривожлантириш концепцияси</b> лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2020 йил 1 апрель	Сув хўжалиги вазирлиги ( <i>Ш. Ҳамраев</i> ), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ( <i>Ж. Ҳоджаев</i> ), Давлат геология кўмитаси ( <i>Б. Исламов</i> ),	Вазирлар Маҳкамаси ( <i>А. Вахобов</i> )

	<i>Амалга ошириш шакли: Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси</i>		Давлат экология қўмитаси (Б. Кўчқоров), манфаатдор вазирликлар ва идоралар	
2.	<p><b>«Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини</b> ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш, унда шу жумладан қуйидагиларни назарда тутиш:</p> <p>сув истеъмолчилари уюшмаларининг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш, шунингдек, уларнинг фаолиятини тубдан ривожлантиришни;</p> <p>сув истеъмолчилари уюшмаларининг сув ресурсларини бошқариш соҳасидаги ролини ошириш ва ваколатларини кенгайтиришни;</p> <p>сув истеъмолчилари уюшмаларининг давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, сув истеъмолчилари билан ўзаро ҳамкорлик қилишининг самарали механизмларини жорий этишни.</p> <p><i>Амалга ошириш шакли: Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси</i></p>	2020 йил 1 июль	Сув хўжалиги вазирлиги (Ш. Хамраев), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж. Ходжаев), манфаатдор вазирликлар ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси (А. Вахобов)
3.	<p><b>Сув истеъмолчилари уюшмаларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги намунавий йўриқномани</b> ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p><i>Амалга ошириш шакли: идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат</i></p>	2020 йил 1 январь	Молия вазирлиги (Т. Ишметов), Сув хўжалиги вазирлиги (Ш. Хамраев)	Вазирлар Маҳкамаси (А. Вахобов)
4.	<p>Сувдан фойдаланиш ва сувни истеъмол қилиш тартибини, шу жумладан <b>иктисодиёт тармоқларида сув ресурсларидан фойдаланиш талабларини</b> такомиллаштириш, унда қуйидагиларни назарда тутиш:</p> <p>сувдан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлашни;</p> <p>сув истеъмолчиларининг (сувдан фойдаланувчиларнинг) сув ресурсларидан оқилона</p>	2020 йил 1 февраль	Сув хўжалиги вазирлиги (Ш. Хамраев), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж. Ходжаев), Давлат геология қўмитаси (Б. Исламов),	Вазирлар Маҳкамаси (А. Вахобов)

<p>фойдаланишдаги жавобгарлигини оширишни;  суб хўжалиги ташкилотларининг сувни етказиб бериш ва уни сув истеъмолчилари (сувдан фойдаланувчилар) ўртасида тақсимлаш билан боғлиқ бўлган хизмати учун самарали тўлов тизимини жорий этишни.  <i>Амалга ошириш шакли: Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси</i></p>		<p>Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси  <i>(М. Эсанов)</i></p>	
<p>5. Қонун ҳужжатларига <b>Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг</b> ирригация объектлари ва гидротехник иншоотларни қуриш ҳамда реконструкция қилишда белгиланган стандартларга риоя этилиши, шунингдек, ажратилган бюджет маблағлари мақсадли ва оқилона сарфланиши устидан назорат қилиш ваколатини <b>назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган текшириш ва мониторинглар доирасида</b> амалга оширилишини назарда тутувчи ўзгаришлар киритиш.  <i>Амалга ошириш шакли: норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар</i></p>	<p>2019 йил 1 декабрь</p>	<p>Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси  <i>(М. Эсанов),</i>  Суб хўжалиги вазирлиги <i>(Ш. Хамраев)</i></p>	<p>Вазирлар Маҳкамаси  <i>(А. Вахобов)</i></p>
<p>6. Сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги бюджет ташкилотларига товарлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича жами харажатларнинг ўрни тўлдирилгандан кейин <b>Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармасининг қолган маблағларини</b> (ҳомийлик ёрдами, беғараз ёрдам миқдори бундан мустасно):  50 фоиздан кам бўлмаган миқдорда — моддий-техник базани мустаҳкамлашга;  50 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда — ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий рағбатлантириш тадбирларига сарфлашга рухсат бериш.  <i>Амалга ошириш шакли: норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар</i></p>	<p>2019 йил 1 декабрь</p>	<p>Сув хўжалиги вазирлиги <i>(Ш. Хамраев),</i>  Молия вазирлиги <i>(Т. Ишметов)</i></p>	<p>Вазирлар Маҳкамаси  <i>(Ж. Қўчқоров)</i></p>
<p align="center"><b>II. Сув хўжалигини бошқариш тизимини такомиллаштириш</b></p>			

7.	<p>Истеъмол қилинаётган ресурсларнинг нооқилона йўқотилишларини бартараф этиш ҳисобига <b>энергия истеъмолини қисқартириш мақсадида насос станцияларини энергетика текширувидан (энергия аудити) ўтказиш</b> чораларини кўриш, шу жумладан:</p> <p>2020-2021 йилларда насос станцияларини энергия аудитидан ўтказиш режа-жадвалини ишлаб чиқиш;</p> <p>насос станцияларини энергия аудитидан ўтказиш бўйича техник талабларни ишлаб чиқиш;</p> <p>энергия аудити соҳасида ихтисослашган ташкилотларни белгиланган тартибда жалб қилиш;</p> <p>ҳар бир насос станцияси энергия аудити натижаларига кўра, аниқ чоралар ва уларни молиялаштириш манбаларини кўрсатган ҳолда, энергия тежашга доир ташкилий ва техник қарорлар бўйича таклифлар тайёрлаш.</p> <p><b>Амалга ошириш шакли:</b> ташкилий тадбирлар ва келгусида амалий чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш</p>	<p>2019 — 2021 йиллар</p> <p>2019 йил 1 декабрь;</p> <p>2020 йил 1 январь;</p> <p>2020 йил 1 февраль;</p> <p>ҳар бир насос станцияси энергия аудитидан сўнг 15 кун ичида</p>	<p>Сув хўжалиги вазирлиги (<i>Ш. Ҳамраев</i>),</p> <p>Энергетика вазирлиги (<i>Ж. Мирзамахмудов</i>),</p> <p>Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (<i>Б. Хўжаев</i>),</p> <p>Молия вазирлиги (<i>Т. Ишметов</i>)</p>	<p>Вазирлар Маҳкамаси (<i>А. Вахобов, А. Султонов, Ж. Кўчқоров</i>)</p>
8.	<p>Бугунги кун ҳолатини ва замонавий технологиялар жорий этилиши жараёнларини инобатга олган ҳолда <b>Насос станцияларидан техник жиҳатдан фойдаланиш қоидаларини</b> ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, унда шу жумладан:</p> <p>насос станциялари жиҳозларига техник хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш;</p> <p>турлари, кўтарилиши (ўтказилиши) ва сув ҳажмидан келиб чиқиб насос станциялари агрегатларининг электр энергияси истеъмоли меъёрларини назарда тутиш.</p> <p><b>Амалга ошириш шакли:</b> идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат</p>	<p>2020 йил 1 февраль</p>	<p>Сув хўжалиги вазирлиги (<i>Ш. Ҳамраев</i>),</p> <p>Энергетика вазирлиги (<i>Ж. Мирзамахмудов</i>)</p>	<p>Вазирлар Маҳкамаси (<i>А. Вахобов</i>)</p>
9.	<p>Насос станцияларининг ва ирригация тизимлари агрегатларининг <b>электр двигателларига частотали бошқариш воситаларини ўрнатиш</b> имкониятлари ва самарадорлигини ўрганиш ҳамда тегишли таклифларни, шу жумладан частотали бошқариш</p>	<p>2020 йил 1 март</p>	<p>Сув хўжалиги вазирлиги (<i>Ш. Ҳамраев</i>),</p> <p>Энергетика вазирлиги (<i>Ж. Мирзамахмудов</i>)</p>	<p>Вазирлар Маҳкамаси (<i>А. Вахобов</i>)</p>

	воситаларини маҳаллий даражада ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш. <i>Амалга ошириш шакли: таклифларни ўз ичига олган таҳлилий маълумот</i>			
10.	<b>Насос станцияларида энергия тежовчи</b> (реактив қувват компенсацияси, частотали ўзгартиргичлар орқали бошқариш, двигателни бир текис ишга тушириш, ёруғликдиод лампаларини ўрнатиш ва ҳ.к.) <b>қурилмаларни жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни</b> амалга ошириш. <i>Амалга ошириш шакли: амалий чора-тадбирлар режаси</i>	<i>ишлаб чиқиш:</i> 2020 йил 1 январь  <i>амалга ошириш:</i> 2020 — 2022 йиллар	Сув хўжалиги вазирлиги ( <i>Ш. Ҳамраев</i> ), Энергетика вазирлиги ( <i>Ж. Мирзамахмудов</i> ), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ( <i>Б. Хўжаев</i> )	Вазирлар Маҳкамаси ( <i>А. Вахобов</i> )
11.	Сув хўжалиги ташкилотлари <b>диспетчерлик хизматлари</b> фаолиятини такомиллаштириш ва уларнинг моддий-техник базасини яхшилаш бўйича амалий чора-тадбирларни амалга ошириш. <i>Амалга ошириш шакли: амалий чора-тадбирлар режаси</i>	<i>ишлаб чиқиш:</i> 2019 йил 1 декабрь  <i>амалга ошириш:</i> 2020-2021 йиллар	Сув хўжалиги вазирлиги ( <i>Ш. Ҳамраев</i> ), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ( <i>Б. Хўжаев</i> ), Молия вазирлиги ( <i>Т. Ишметов</i> )	Вазирлар Маҳкамаси ( <i>А. Вахобов</i> )
12.	Сув хўжалиги ташкилотларининг ирригация тизимларидаги <b>сув олиш ва сув тўсиш иншоотлари</b> , шунингдек, гидropостларнинг техник ҳолатини яхшилаш бўйича амалий чора-тадбирларни амалга ошириш. <i>Амалга ошириш шакли: амалий чора-тадбирлар режаси</i>	<i>ишлаб чиқиш:</i> 2019 йил 20 декабрь  <i>амалга ошириш:</i> 2020-2021 йиллар	Сув хўжалиги вазирлиги ( <i>Ш. Ҳамраев</i> ), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ( <i>Б. Хўжаев</i> ), Молия вазирлиги ( <i>Т. Ишметов</i> )	Вазирлар Маҳкамаси ( <i>А. Вахобов</i> )
13.	<b>Хусусий секторга давлат-хусусий шериклик шартлари асосида бошқариш учун бериладиган насос станциялари, шунингдек, стратегик ва муҳим аҳамиятга эга бўлмаган ирригация объектларининг рўйхатини</b> шакллантириш ҳамда ушбу соҳада давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширишнинг асосий шартларини ишлаб чиқиш. <i>Амалга ошириш шакли: давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш бўйича объектлар рўйхати ва таклифларни ўз ичига олган таҳлилий маълумотнома</i>	2020 йил 1 январь	Сув хўжалиги вазирлиги ( <i>Ш. Ҳамраев</i> ), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ( <i>Б. Хўжаев</i> ), Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги ( <i>Ғ. Холжигитов</i> )	Вазирлар Маҳкамаси ( <i>А. Вахобов, Ж. Қўчқоров</i> )
14.	Салоҳиятли инвесторлар ва илмий-тадқиқот институтлари билан замонавий суғориш лотоклари ва	2019-2020 йиллар	Сув хўжалиги вазирлиги ( <i>Ш. Ҳамраев</i> ),	Вазирлар Маҳкамаси ( <i>А. Вахобов</i> )

	бошқа гидротехника иншоотларини, шу жумладан <b>композит ва бошқа муқобил материаллардан фойдаланган</b> ҳолда ишлаб чиқаришни ташкил этиш масаласини ўрганиш. <i>Амалга ошириш шакли: ташкилий тадбирлар</i>		Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (С. Умурзоқов), Фанлар академияси (Б. Юлдашев)	
<b>III. Сув хўжалиги соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш</b>				
15.	Насос станцияларида электр энергиясини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимига мос келувчи <b>ўлчов асбобларини ўрнатиш жадвалини</b> ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. <i>Амалга ошириш шакли: режа-жадвал</i>	<i>ишлаб чиқиш:</i> 2020 йил 1 январь <i>амалга ошириш:</i> 2020 йил давомида	Энергетика вазирлиги (Ж. Мирзамахмудов), Сув хўжалиги вазирлиги (Ш. Хамраев)	Вазирлар Маҳкамаси (А. Султонов, А. Вахобов)
16.	Халқаро ва хорижий ташкилотларнинг грант маблағларини жалб қилиш, улар ҳисобига <b>2019-2020 йилларда камида 150 та сув хўжалиги иншооти ва гидроузелларини реал вақт режимида сувни назорат қилувчи ва ўлчовчи</b> , шу жумладан сув хўжалиги объектларида сувдан фойдаланиш бўйича ахборот йиғадиган замонавий автоматлаштирилган тизимлар билан жиҳозлаш. <i>Амалга ошириш шакли: ташкилий чора-тадбирлар</i>	2019-2020 йиллар, <i>шу жумладан:</i> 2019 йилда камида 60 та объект, 2020 йилда камида 90 та объект	Сув хўжалиги вазирлиги (Ш. Хамраев), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (С. Умурзоқов), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Содиқов)	Вазирлар Маҳкамаси (А. Вахобов, Э. Фаниев)
17.	Тошкент вилояти Зангиота туманидаги «Боғи-Бўстон» насос станцияси мисолида <b>электр энергиясини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимига эга бўлган сувни назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш ҳамда уларни интеграциялаш бўйича тажриба-синов лойиҳасини амалга ошириш</b> , келгусида ижобий тажрибани республиканинг бошқа насос станцияларига татбиқ этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш. <i>Амалга ошириш шакли: ташкилий чора-тадбирлар</i>	2020 йил 1 апрель	Сув хўжалиги вазирлиги (Ш. Хамраев), Энергетика вазирлиги (Ж. Мирзамахмудов), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Содиқов)	Вазирлар Маҳкамаси (А. Вахобов, А. Султонов)
18.	Ерости сувлари даражаси ва минералланиши, шунингдек, суғориладиган ерларнинг шўрланиш	2020 йил давомида	Сув хўжалиги вазирлиги (Ш. Хамраев),	Вазирлар Маҳкамаси (А. Вахобов)

	<p>динамикасини реал вақт режимида мониторинг қилишни таъминлайдиган <b>автоматлаштирилган тизимлар (ГАТ-технологиялари)ни жорий этган ҳолда, камида 2 000 та сув омборларидаги пьезометр ва кузатув қудуқларини реконструкция қилиш.</b></p> <p><i>Амалга ошириш шакли: ташиқилий тадбирлар</i></p>		<p>Молия вазирлиги (<i>Т. Ишметов</i>), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (<i>С. Умурзоқов</i>)</p>	
<b>IV. Сув хўжалиги соҳасида илмий-тадқиқот фаолиятини такомиллаштириш</b>				
19.	<p><b>Сув хўжалиги соҳасидаги лойиҳа-қидирув ишларини илмий-техник жиҳатдан кузатишни ташкил этиш ҳамда молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</b></p> <p><i>Амалга ошириш шакли: Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси</i></p>	2020 йил 1 январь	<p>Сув хўжалиги вазирлиги (<i>Ш. Ҳамраев</i>), Қурилиш вазирлиги (<i>Б. Зокиров</i>), Молия вазирлиги (<i>Т. Ишметов</i>)</p>	<p>Вазирлар Маҳкамаси (<i>А. Раматов</i>)</p>
20.	<p><b>Сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш, сув хўжалиги объектлари (сув олиш иншоотлари, сув омборлари, насос станциялари ҳамда ирригация ва дренаж каналлари)нинг ишончли ва хавфсиз ишлашини таъминлашга, шунингдек, сувни ҳисобга олиш воситаларини яратиш ва такомиллаштиришга доир илмий асосланган тавсияларни ишлаб чиқиш.</b></p> <p><i>Амалга ошириш шакли: йўриқномалар ва тавсиялар</i></p>	2020 — 2022 йиллар	<p>Сув хўжалиги вазирлиги (<i>Ш. Ҳамраев</i>), Инновация вазирлиги (<i>И. Абдурахмонов</i>), Ирригация ва сув муаммолари ИТИ</p>	<p>Вазирлар Маҳкамаси (<i>А. Вахобов</i>)</p>
21.	<p><b>Ташқи муҳитнинг агрессив таъсирига учраган бетон ва темир-бетон каналлари ҳамда бошқа гидротехника иншоотларидан фойдаланиш мустаҳкамлигини ошириш бўйича илмий асосланган тавсияларни ишлаб чиқиш.</b></p> <p><i>Амалга ошириш шакли: йўриқномалар ва тавсиялар</i></p>	2020 — 2022 йиллар	<p>Сув хўжалиги вазирлиги (<i>Ш. Ҳамраев</i>), Инновация вазирлиги (<i>И. Абдурахмонов</i>), Ирригация ва сув муаммолари ИТИ</p>	<p>Вазирлар Маҳкамаси (<i>А. Вахобов</i>)</p>
22.	<p><b>Сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш, шу жумладан ирригация, гидроэнергетика ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларини сув ресурслари билан таъминлаш муаммоларини ҳал қилишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш.</b></p> <p><i>Амалга ошириш шакли: йўриқномалар ва тавсиялар</i></p>	2020 — 2022 йиллар	<p>Сув хўжалиги вазирлиги (<i>Ш. Ҳамраев</i>), Инновация вазирлиги (<i>И. Абдурахмонов</i>), Ирригация ва сув муаммолари ИТИ</p>	<p>Вазирлар Маҳкамаси (<i>А. Вахобов</i>)</p>

23.	<p><b>Сув ресурсларини муҳофаза қилишнинг экологик талабларини,</b> уларнинг ҳолатини баҳолаш мезонларини, ер усти ва ер ости сувлари режими ҳамда сифатини самарали бошқариш, ҳудудда экологик мувозанатни тиклаш ва сақлаш усулларини ишлаб чиқиш.</p> <p><b>Амалга ошириш шакли:</b> <i>йўриқномалар ва тавсиялар</i></p>	2020 — 2022 йиллар	<p>Сув хўжалиги вазирлиги (<i>Ш. Ҳамраев</i>), Инновация вазирлиги (<i>И. Абдурахмонов</i>), Давлат экология кўмитаси (<i>Б. Қўчқоров</i>), Ирригация ва сув муаммолари ИТИ</p>	Вазирлар Маҳкамаси ( <i>А. Вахобов</i> )
24.	<p>Хоразм, Қашқадарё, Навоий, Сирдарё ва Фарғона вилоятларида ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институтининг <b>тажриба-экспериментал участкалари негизида:</b></p> <p>қишлоқ хўжалиги экинларининг сув истеъмолини мақбуллаштириш ва суғориш техника ҳамда технологияларини такомиллаштириш; шўрланган ерлар иккиламчи шўрланишининг олдини олиш ва уларни тиклаш, сув тежовчи суғориш технологияларини илмий асослантирилган ҳолда танлаш бўйича комплекс мелиоратив чора-тадбирларни ишлаб чиқиш юзасидан илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини амалга ошириш учун <b>агро-мелиоратив ҳудудий комплексларни</b> ташкил этиш.</p> <p><b>Амалга ошириш шакли:</b> <i>ташкилий тадбирлар</i></p>	2020 — 2021 йиллар	<p>Сув хўжалиги вазирлиги (<i>Ш. Ҳамраев</i>), Инновация вазирлиги (<i>И. Абдурахмонов</i>), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (<i>С. Умурзоқов</i>), Ирригация ва сув муаммолари ИТИ</p>	Вазирлар Маҳкамаси ( <i>А. Вахобов</i> )
<b>V. Кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш</b>				
25.	<p>Сув ва сув ресурсларини режалаштириш, тақсимлаш ҳамда улардан фойдаланиш, шунингдек, сув истеъмоличилари уюшмасини бошқариш ва унинг фаолиятини ташкиллаштириш (бухгалтерия ҳисобини юритиш, иш юритиш ва бошқалар) бўйича <b>қуйи тузилмалар, шу жумладан сув истеъмоличилари уюшмалари ходимлари учун амалий ўқув курсларни</b> ташкил этиш.</p> <p><b>Амалга ошириш тартиби:</b> <i>режа-жадвал</i></p>	<p><i>ишлаб чиқиш:</i> ҳар йили 1 январга қадар <i>амалга ошириш:</i> алоҳида жадвал бўйича</p>	<p>Сув хўжалиги вазирлиги (<i>Ш. Ҳамраев</i>), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (<i>Ж. Ҳоджаев</i>), Молия вазирлиги (<i>Т. Ишметов</i>) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (<i>И. Мажидов</i>)</p>	Вазирлар Маҳкамаси ( <i>А. Вахобов</i> )
26.	<p><b>Сув тежовчи суғориш технологияларидан фойдаланишга,</b> шу жумладан томчилатиб, ёмғирлатиб ва бошқа турдаги суғориш</p>	2020 йил 1 июнь	Сув хўжалиги вазирлиги ( <i>Ш. Ҳамраев</i> ),	Вазирлар Маҳкамаси ( <i>А. Абдуҳақимов</i> )

	<p>тизимларини куриш, ишлатиш ва уларга техник хизмат кўрсатишга ўқитиш <b>бўйича ўқув дастурлари, модуллар ва материалларни ишлаб чиқиш</b>, уларни 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб соҳага оид олий таълим муассасалари ва коллежлар ўқув жараёнига жорий этиш.</p> <p><i>Амалга ошириш тартиби: ўқув дастурлари, модуллар ва материаллар</i></p>		Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ( <i>И. Мажидов</i> )	
27.	<p>Сув хўжалиги мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг профессионал даражасини ошириш бўйича <b>амалий семинарлар, тренинглари ва ўқув курсларини ташкил қилиш</b>, шунингдек, уларнинг ишлаб чиқариш амалиётини чет элда ўтказиши учун <b>халқаро дастурлар ва жамғармаларнинг грантларини жалб қилиш</b> бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш.</p> <p><i>Амалга ошириш шакли: ташкилий тадбирлар</i></p>	2020 йил 1 июль	Сув хўжалиги вазирлиги ( <i>Ш. Хамраев</i> ), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ( <i>С. Умурзоқов</i> ), «Эл-юрт умиди» жамғармаси ( <i>А. Бекмурадов</i> )	Вазирлар Маҳкамаси ( <i>А. Вахобов, Э. Фаниев</i> )
28.	<p><b>Мелиоратив машиналар ва механизмлар операторларини («экскаватор машинисти», «бульдозер машинисти» ва бошқалар) тайёрлаш ҳамда ўқитиш</b> тизимини такомиллаштириш, шу жумладан:</p> <p>Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги таълим муассасалари (коллежлар) негизида доимий равишда фаолият кўрсатувчи ихтисослаштирилган курсларни ташкил этиш;</p> <p>тегишли мутахассисликлар бўйича мелиоратив машиналар ва механизмлар операторларини тайёрлаш ўқув дастурларини ишлаб чиқиш;</p> <p>таълим муассасалари (коллежлар)нинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун халқаро дастурлар ва жамғармалар грантлари ҳамда техник кўмак маблағларини жалб қилиш бўйича чоралар кўриш.</p> <p><i>Амалга ошириш шакли: ташкилий тадбирлар, ўқув дастурлари</i></p>	2020 йил 1 август	Сув хўжалиги вазирлиги ( <i>Ш. Хамраев</i> ), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ( <i>И. Мажидов</i> ), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ( <i>С. Умурзоқов</i> )	Вазирлар Маҳкамаси ( <i>А. Вахобов, А. Абдуҳақимов</i> )

**Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти соҳага оид кафедраларининг ишлаб чиқариш ва фойдаланиш ташкилотлари негизда жойлаштирилладиган ихтисослаштирилган синфлари**

**РЎЙХАТИ**

<b>Т/р</b>	<b>Кафедра номи</b>	<b>Ташкилот номи</b>	<b>Вазирлик ва идора</b>
1.	Насослар, насос станциялари ва сув энергиясидан фойдаланиш	Чирчиқ-Оҳангарон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси хузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармаси	Сув хўжалиги вазирлиги
2.		«Чирчиқ ГЭСлар каскади» УК	«Ўзбекгидроэнерго» АЖ
3.	Гидротехника иншоотлари	«Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси	Вазирлар Маҳкамаси
4.		«ЎзГИП» МЧЖ	«ЎзГИП» МЧЖ
5.	Экология ва сув ресурсларини бошқариш	Ахборот-таҳлил ва ресурс маркази	Сув хўжалиги вазирлиги
6.		Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги
7.		Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ихтисослаштирилган таҳлилий назорат маркази	Давлат экология кўмитаси
8.		«ЎзГИП» МЧЖ	«ЎзГИП» МЧЖ
9.	Ирригация ва мелиорация	Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти	Сув хўжалиги вазирлиги
10.		«Ўзсувлойиха» АЖ	«Ўзсувлойиха» АЖ
11.		«ЎзГИП» МЧЖ	«ЎзГИП» МЧЖ
12.	Гидромелиорация тизимларидан фойдаланиш	Чирчиқ-Оҳангарон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси хузуридаги «Бўзсув» ирригация тизими бошқармаси	Сув хўжалиги вазирлиги
13.		Чирчиқ-Оҳангарон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси хузуридаги «Паркент-Қорасув» ирригация тизими бошқармаси	
14.	Гидрология ва гидрогеология	Чирчиқ-Оҳангарон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси хузуридаги «Бўзсув» ирригация тизими бошқармаси	Сув хўжалиги вазирлиги
15.		Чирчиқ-Оҳангарон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси хузуридаги «Паркент-Қорасув» ирригация тизими бошқармаси	
16.		Чирчиқ-Оҳангарон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси хузуридаги мелиоратив экспедиция	
17.		«Гидрогеология ва муҳандислик геологияси институти» ДК	
18.	Гидравлика ва гидроинформатика	Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти	Сув хўжалиги вазирлиги
19.		«Гидропроект» АЖ	«Ўзбекгидроэнерго» АЖ

20.	Гидромелиорация ишларини механизациялаш	«Ўзмахсуссувқурилиш» МЧЖ	«Ўзсувқурилиш» АЖ
21.	Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги	«Агрегат заводи» АЖ	«Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ
22.	Электр энергияси таъминоти (сув хўжалигида) (Бухоро табиий ресурсларни бошқариш институти)	Аму-Бухоро ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармаси	Сув хўжалиги вазирлиги
23.		«Ўзмахсуссувқурилиш» МЧЖ	«Ўзсувқурилиш» АЖ
24.		«Бухоро худудий электр тармоқлари корхонаси» АЖ	«Худудий электр тармоқлари» АЖ
25.	Сув хўжалиги ва мелиорация (ТИҚХММИ Бухоро филиали)	Аму-Бухоро ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармаси	Сув хўжалиги вазирлиги
26.		Аму-Бухоро ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги мелиоратив экспедиция	
27.		Аму-Бухоро машина каналдан фойдаланиш бошқармаси	
28.		Аму-Бухоро машина канали Олот туман бошқармаси	
29.		Аму-Бухоро машина канали Қизилтепа туман бошқармаси	
30.	Ердан фойдаланиш ва ер кадастри (ТИҚХММИ Бухоро филиали)	Кадастр агентлигининг Бухоро вилояти бошқармаси	Кадастр агентлиги
31.		«Ўздаверлойиха» давлат илмий-лойиха институти худудий бўлинмаси	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
32.		Давлат кадастрлари палатасининг Бухоро вилояти худудий бошқармаси	Кадастр агентлиги
33.	Умумий техника фанлари кафедралари (ТИҚХММИ Қарши филиали)	Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ва унинг бўлинмалари	Сув хўжалиги вазирлиги
34.		Қарши магистрал каналдан фойдаланиш бошқармаси	
35.		Кадастр агентлигининг Қашқадарё вилояти бошқармаси	Кадастр агентлиги

Изоҳ: «Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти» миллий тадқиқот университети соҳага оид кафедраларининг ихтисослаштирилган синфлари ўзаро келишувга кўра бошқа ишлаб чиқариш ва фойдаланиш ташкилотлари негизида ҳам ташкил этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 октябрдаги ПҚ-4486-сон қарорига 5-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигига юритиш учун топшириладиган сув хўжалиги соҳасидаги инвестиция лойиҳалари**

**РЎЙХАТИ**

Т/р	Лойиҳа номи	Қиймати	Амалга ошириш муддати	Амалга ошириш учун асос
1.	<p>Ислом тараққиёт банки иштирокида  <b>«Хоразм вилоятининг Тошсақа тизимидаги магистрал суғориш каналларини тиклаш»</b></p>	<p><b>145,5 млн</b> АҚШ долл.,  <i>шундан:</i>  <i>хорижий кредитлар — 90,4 млн долл.;</i>  <i>Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ҳиссаси — 55,1 млн долл.</i></p>	<p>2013 — 2019 йиллар  <i>(2021 йил 1 июнгача узайтирилган)</i></p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 6 ноябрдаги «Хоразм вилоятининг Тошсақа тизимидаги магистрал суғориш каналларини тиклаш» лойиҳасини Ислом тараққиёт банки иштирокида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1849-сон қарори;          Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 26 августдаги «Хоразм вилоятининг Тошсақа тизимидаги магистрал суғориш каналларини тиклаш» инвестиция лойиҳасини Ислом тараққиёт банки иштирокида амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 282-сон қарори.</p>
2.	<p>Франция Республикаси ҳукумати иштирокида  <b>«Навоий вилоятидаги «Навоий» ва «Учкара» насос станцияларини реконструкция қилиш»</b>          ҳамда Осиё тараққиёт банки ва Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги иштирокида  <b>«Аму-Бухоро ирригация тизимини тиклаш»</b></p>	<p><b>406,3 млн</b> АҚШ долл.,  <i>шундан:</i>  <i>хорижий кредитлар — 325,7 млн долл.;</i>  <i>Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ҳиссаси — 80,6 млн долл.</i></p>	<p>2014 — 2020 йиллар</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 23 августдаги «Навоий вилоятидаги «Навоий» ва «Учкара» насос станцияларини реконструкция қилиш» лойиҳасини Франция Республикаси ҳукумати иштирокида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2029-сон қарори;          Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 28 мартдаги «Аму-Бухоро ирригация тизимини тиклаш» лойиҳасини Осиё тараққиёт банки иштирокида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2156-сон қарори;          Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 25 августдаги «Аму-Бухоро ирригация тизимини тиклаш» лойиҳасини амалга оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2396-сонли қарори.</p>
3.	<p>Жаҳон банки иштирокида  <b>«Жанубий</b></p>	<p><b>376,7 млн</b> АҚШ долл.,  <i>шундан:</i></p>	<p>2015 — 2021 йиллар</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 мартдаги «Жанубий</p>

Т/р	Лойиҳа номи	Қиймати	Амалга ошириш муддати	Амалга ошириш учун асос
	<b>Қорақалпоғистонда сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш»</b>	<i>хорижий кредитлар — 214,9 млн долл.; Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ҳиссаси — 161,8 млн долл.</i>		Қорақалпоғистонда сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш» лойиҳасини Жаҳон банки иштирокида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2324-сон қарори.
4.	<b>Ислом тараққиёт банки иштирокида «Сурхондарё вилоятида сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш (Хазарбоғ — Оққапчигай каналлар тизимини реконструкция қилиш)»</b>	<b>122,7 млн</b> АҚШ долл., шундан: <i>хорижий кредитлар — 89,6 млн долл.; Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ҳиссаси — 33,2 млн долл.</i>	2015 — 2019 йиллар (2020 йил 1 сентябргача узайтирилган)	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 7 апрелдаги «Сурхондарё вилоятида сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш (Хазарбоғ — Оққапчигай канали тизимини реконструкция қилиш)» лойиҳасини Ислом тараққиёт банки иштирокида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2332-сон қарори.
5.	<b>Саудия тараққиёт жамғармаси ва Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси кредит маблағлари ҳисобидан «Қарши насос станциялари каскадини капитал-қайта тиклаш. 3-фаза»</b>	<b>105,3 млн</b> АҚШ долл., шундан: <i>хорижий кредитлар — 43,2 млн долл.; Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ҳиссаси — 22,1 млн долл.; ЎТТЖ — 40,0 млн долл.</i>	2017 — 2019 йиллар (2023 йил 31 декабргача узайтирилган)	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 майдаги «Қарши насос станциялари каскадини капитал-қайта тиклаш. 3-фаза» лойиҳасини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2977-сон қарори.
6.	<b>Жаҳон банки иштирокида «Фарғона водийсида сув ресурсларини бошқариш. 2-фаза»</b>	<b>228,2 млн</b> АҚШ долл., шундан: <i>хорижий кредитлар — 144,9 млн долл.; Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ҳиссаси — 83,3 млн долл.</i>	2017 — 2024 йиллар	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 сентябрдаги «Фарғона водийсида сув ресурсларини бошқариш. 2-фаза» лойиҳасини Жаҳон банки иштирокида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3282-сон қарори.

Умумий қиймати 1 384,7 млн АҚШ долл. бўлган жами 6 та лойиҳа, шундан хорижий кредитлар — 908,6 млн долл., Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ҳиссаси — 436,1 млн долл., Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси — 40,0 млн долл.

**Сув хўжалиги объектларини қуриш ва модернизация қилиш бўйича устувор  
инвестиция лойиҳаларининг**

**РЎЙХАТИ**

1. Тошкент вилояти Паркент туманида **Қизилсой сел сув омборини** қуриш
2. Тошкент вилояти Оҳангарон туманида **Тоштепа сув омборини** қуриш
3. Тошкент вилояти Паркент туманида **Паркентсой сув омборини** қуриш
4. Сурхондарё вилояти Сариосиё туманида **Обизаранг сел сув омборини** қуриш
5. Қашқадарё вилояти Китоб туманида **Аёкчи сув омборини** қуриш
6. Навоий вилояти Хатирчи туманида **Майдонсой сув омборини** қуриш
7. Наманган вилояти Косонсой туманида **Испорон сув омборини** қуриш
8. Наманган вилояти Поп туманида **Чоркесар сув омборини** қуриш
9. Наманган вилояти Янгиқўрғон туманида **Заркент сув омборини** қуриш
10. Медами пастлигидан Орол денгизигача **Амударё ўнгқирғоқ коллекторини** қуриш
11. Орол денгизи ҳавзаси секторида **сув ресурсларини иқлимга мослашган ҳолда бошқариш**, шу жумладан «Кегейли» (*Қорақалпоғистон*), «Шохруд» ва «Жондор» (*Бухоро*), «Нарпай» ва «Мирза» (*Самарқанд*), «Занг» ва «Боботоғ» (*Сурхондарё*), «Р-8» (*Хоразм*) магистрал каналларини модернизация қилиш
12. **235 та** насос станциясини модернизация ва реконструкция қилиш
13. **299 та** насос станциясини модернизация қилиш

*(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.10.2019 й., 07/19/4486/3886-сон; 07.04.2021 й., 07/21/5055/0309-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.12.2021 й., 06/21/36/1175-сон; 08.07.2022 й., 06/22/167/0619-сон; 21.06.2023 й., 06/23/101/0412-сон; 29.12.2023 й., 07/23/422/0994-сон; 30.12.2024 й., 07/24/455/1092-сон)*